

Беларусда Қуръони Карим маъноларининг рус тилидаги таржимаси нашр этилди



13:41 / 16.06.2023 1608

Беларус Республикасида Татаристон ва Доғистон муфтийлари ҳамкорлигида тайёрланган Қуръони Карим маъноларининг рус тилидаги таржимаси нашр этилди. Бу ҳақда Татаристон Республикаси мусулмонлари диний бошқармаси матбуот хизмати хабар берди.

Беларус мусулмонлари диний уюшмаси мутахассислари ушбу нашрга ҳанафий ва сунний тафсирларга асосланган матннинг алоҳида қисмларига янги изоҳлар ва қўшимчалар киритдилар. Шунингдек, баъзи илмий ва теологик атамаларга ўзига хос услубда ёндашдилар.

Қуръони Карим маъноларининг рус тилидаги таржимасини тайёрлаш жараёни 2019 йил Татаристон муфтийси Комил Ҳазрат Самигуллин Татаристон Республикаси Президенти Рустам Минниханов бошчилигида Минск шаҳрига қилган сафари чоғида Беларус Республикаси мусулмонлар диний уюшмасига электрон манбаларни совға қилганидан сўнг бошланган. Беларус муфтийси Абу Бакир Шабанович ушбу электрон манбаларни мамнуният билан қабул қилиб, миннатдорчилик билдирган.

